



## **«BMKB-AGROMASH» АЖ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ НИЗОМИ**

### **МУНДАРИЖА**

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
- II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МАҚСАДИ
- III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ
- IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ
- V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАЪСУЛ БЎЛГАН ОРГАН ВА ШАХСЛАР
- VI. ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ПРОЦЕДУРАЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ
- VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур «BMKB-AGROMASH» (кейинчалик – жамият) АЖнинг ички назорат низоми (кейинчалик – низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, жамият Устави, Корпоратив бошқарув Кодекси ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур низом ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, ишлаш принципларини, ҳамда ички назоратга маъсул бўлган жамият органлар ва шахсларни белгилайди.

### **II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МАҚСАДИ**

3. Ички назорат – жамият фаолиятига киритилган тўхтовсиз жараён бўлиб, қуйидаги соҳаларда жамият мақсадларига эришиш борасида асосланган ва керакли ҳажмдаги тасдиқни олиш мақсадида таваккалчилик бошқаруви, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилгандир:

- фаолиятнинг самарадорлиги ва унумдорлиги, жумладан ишлаш самарадорлиги даражаси, даромад олиш ва активларни ҳимоя қилиш;
- молиявий ҳисоботнинг ишончли ва ҳаққонийлиги;
- жамият фаолиятини ростловчи қонунчилик ва ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлиги.

4. Ички назорат тизими – жамиятда тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши, ижроия орган ва барча поғоналарда ҳар турдаги вазифаларни бажарувчи бошқа ходимлари (кейинчалик-ички назорат субъектлари) томонидан ташкиллаштирилиб, амалга ошириладиган



дивидендларни тўлашни амалга оширишда вақт чегарасини ўрнатишни кўзда тутадиган вақтни бой бермаслик принципи;

дивидендларни тўлаш ва дивидендлар миқдори ҳақидаги қарор фақат жамият йил якунлари бўйича ижобий молиявий натижага эришганидагина, жамиятнинг реал молиявий аҳволдан келиб чиқиб, унинг инвестициялаш дастури ва ривожланиш режасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши, дивидендларни тўлаш асосланганлиги принципи;

дивидендларни тўлаш, дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби ҳақида қарорлар қабул қилинаётганлиги ҳақидаги маълумотни олишда акциядорларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминланишини кўзда тутадиган адолатлик принципи;

дивидендлар сиёсатининг принциплари ва тартиблари кетма-кетлигини қатъий бажарилишини кўзда тутадиган кетма-кетлик принципи;

дивидендлар сиёсатининг корпоратив бошқарув тартибини яхшилаш ва жамиятнинг стратегик ривожланиш мақсадлари ўзгариши муносабати билан дивидендлар сиёсати низомларини қайта кўриб чиқиш доирасида дивидендлар сиёсатининг доимий такомиллаштирилишини кўзда тутадиган ривожланиш принципи;

жамият дивидендларни тўлаш даражасининг доим бир хиллигини таъминлашга интилишини кўзда тутадиган турғунлик принципи.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилиш (эълон қилиш) жамиятнинг ҳуқуқидир.

7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш жамиятнинг мажбуриятидир.

Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар (жумладан, солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ўтказиш, почта харажатлари бўйича) бошқарув органи қарорига биноан дивидендларни орлувчи акциядорнинг зиммасига юкланиши мумкин эмас. Жамият мазкур мажбуриятни бажармаслиги бўйича акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

8. Дивидендлар қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича ҳисобланмайди ва тўланмайди:

жойлаштирилмаган акциялар бўйича;

жамиятнинг ўзи сотиб олган ва/ёки бошқадан сотиб олган акциялар бўйича;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” Қонунининг 54-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган ҳолларда жамият акциялари бўйича дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш қарорини қабул қилишга ҳақли эмас.

## **II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**

10. Жамият молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари ва (ёки) молия йили натижалари бўйича 8-бандда кўрсатилган акциялардан ташқари бошқа акциялар бўйича дивидендлар тўлаш қарорини қабул қилишга ҳақли.

Молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивидендлар тўлаш қарори тегишли давр туганидан сўнг уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар жамият соф фойдасининг жамият ихтиёрида қолдирилган қисмидан, ва/ёки ўтган йиллардан тақсимланмай қолган қисмидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар жамиятнинг шундай тўловларни амалга ошириш учун мавжуд бўлган махсус жамғармалари ҳисобига ҳам тўланади. Бунда дивидендларни ўз вақтида тўлашни амалга ошириш ва дивидендларни тўлаш учун жамиятнинг пул маблағлари айланмасидан маблағлар чиқариб олиниши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган жамиятнинг молиявий аҳволининг танглашишини олдини олиш учун жамият даромадлари ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарздорликлари бўйича захира жамғармаси тузилади.



11. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг ҳар бир тоифаси учун дивидендлар тўлаш қарорини қабул қилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар беради. Дивидендлар миқдори кузатув кенгаши тавсия қилган миқдордан кўп бўлмаслиги керак.

12. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш қарори билан қуйидагилар белгиланиши керак:

дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акцияларнинг тоифаси (тури);

аниқ бир турдаги битта акция учун ҳисобланган дивиденд миқдори;

дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда жамият қонунчилик томонидан ўрнатилган ҳолларда дивидендларни ҳисоблаш (тўлаш) ҳақида қарорни қабул қилишга ҳақли эмас, шунингдек, қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлаш мумкин эмаслиги қарорини қабул қилишга ҳақли эмас.

13. Кузатув кенгаши томонидан акциядорлар йиғилишига тавсия қилинадиган акциялар бўйича дивидендлар миқдори қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Аудитор текшируви хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот маълумотларига мувофиқ аниқланган соф фойда миқдоридан;

Жамиятнинг келаси даврлар учун тузилган молиявий-хўжалик режаларидан;

Тегишли давр якуни бўйича аниқланган жамиятнинг айланма маблағлари структурасидан;

Тегишли давр якуни бўйича жамиятнинг қарздорлик юқламасидан.

14. Тавсия қилинаётган дивидендларнинг миқдорини аниқлашда Кузатув кенгаши жамиятнинг кейинга йилларга мўлжалланган молиявий-хўжалик режаларини, айланма маблағларнинг жорий ва келажакдаги аҳволини, жамиятнинг мажбуриятларини кўзда тутиши керак. Кузатув кенгаши томонидан акциядорлар йиғилишига тавсия қилинадиган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш жамиятнинг кейинга йилларга тасдиқланган молиявий-хўжалик режаларида кўзда тутилганмаган жамият томонидан қўшимча қарзга молиялаштириш ёки бошқа турдаги харажатларга олиб келмаслиги керак.

### **III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ**

15. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки тўловнинг бошқа қонуний воситалари билан ёки жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган акциядорнинг ёзма талабига биноан унга ҳисобланган дивидендларни эркин айрбошланадиган валютага айрбошлаши ва резидент бўлмаган акциядор тақдим қилган банк ҳисоб рақамига ўтказиб бериши керак.

16. Дивидендларни тўлаш вақти жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан ўрнатилади, аммо бу вақт жамият акциядорларининг умумий йиғилиши дивидендларни тўлаш қарори қабул қилган кунидан 60 кундан ошмаслиги керак.

17. Агар жамиятнинг қимматли қоғозлари эгалари дивидендларни жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўрнатган вақтда ола олмаган бўлсалар, жамият мана шу тўланмаган (сўраб олинмаган) дивидендларни тўлашни давом этади. Сўраб олинмаган дивидендларни тўлаш даври жамиятнинг дивидендларни тўлаш мажбуриятлари муддати тугашидан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Жамият айбига кўра акциядорларининг умумий йиғилиши ўрнатган муддатда дивидендлар тўланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки томонидан ўрнатилган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда тўланмай қолган дивидендлар бўйича пеня ҳисобланади. Тўланмай қолган дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пеня ҳажми тўланмай қолган дивидендлар суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.



19. Жамиятнинг ўз вазифалари қаторида акциядорлар билан ишлашни ташкил қилиш ва ишларни олиб бориш вазифаси бўлган таркибий бўлинмаси жамият бухгалтерияси билан биргаликда мазкур Низомда кўзда тутилган жамият томонидан дивидендларни тўлашни ташкил қилиш бўйича барча чора-тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ўтказишни амалга оширади.

20. Ҳар бир акциядор жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби, дивидендлар бўйича солиқлар суммасини ҳисоблаш тартиби, дивидендларни тўлаш шартлари ҳақида маълумот олиш учун талабнома билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

21. Акциядорларга дивидендлар тўлаш қарори қабул қилинадиган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун тузилган жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтган шахслар акциялар бўйича дивидендларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

22. Акциялар мулкӣ улушларда бўлган ҳолларда дивидендлар акциядорлар ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда ўрнатилган тартибда тақсимланади.

23. Акциядор ўзи ҳақидаги маълумотларга ўзгаришлар киритилгани ҳақида инвестиция воситачисини ва / ёки унинг акцияларига бўлган ҳуқуқи ҳисобини олиб боровчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийини ўз вақтида хабардор қилиши керак. Акциядор ўзи ҳақидаги маълумотларга ўзгаришлар киритилгани ҳақида маълумотни тақдим қилмаган тақдирда, акциядорнинг акцияларига бўлган ҳуқуқи ҳисобини олиб боровчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси ўз вақтида хабардор қилмаслик оқибатида унга етказилган зарар учун жавобгар эмаслар.

24. Акциядор ўз банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиш учун манзилни нотўғри кўрсатган ҳолларда, ёки жамиятга кўрсатиб ўтилган реквизитлар ҳақида хабар бермаган ёки ўз вақтида хабар бермаган ҳолларда жамият бундай ҳоллар оқибатида унга етказилган зарар учун жавобгар эмас.

Акциядорнинг айбига билан мазкур бандда айтиб ўтилган сабабларга кўра ўтказилган дивидендлар жамиятга қайтарилганидан сўнг, аниқлаб олинган реквизитлар бўйича акциядорга дивидендларни қайта ўтказиш дивидендларни қайтариш ва қайта ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ушлаб қолинганидан сўнг амалга оширилади.

25. Акциядорларга уларга тегишли бўлган акциялар бўйича фойдани тўлашда жамият солиқ агенти бўлиб қатнашади ва ҳисобланган дивидендлар тўловини Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бўйича амалдаги қонунчилиги томонидан ўрнатилган даромад олиш солиғи босиб қолинганидан кейин амалга оширади. Солиқ солишнинг стандарт ставкалари қўлланилмайдиган акциядор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан ўрнатилган қўлланилмасликни тасдиқлайдиган ҳужжатларни жамиятга (жамият томонидан жалб қилинган Тўлов агентига) тақдим қилади.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ МАСЪУЛИЯТИ**

26. Жамият эълон қилинган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларни тўлаши шарт.

27. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳеч қайси бири уларни тўлаш муддати бўйича имтиёзга эга эмас.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишдаги тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширилади. Бунда жамият йирик акциядорга дивидендларни тўлаш оқибатида миноритар акциядорларга ўрнатилган муддатда дивидендларни тўлашни таъминлаш мумкин бўлмай қолса, у ҳолда жамият йирик акциядорга дивидендларни тўлашга ҳақли эмас.



28. Жамиятнинг ижроия органи жамият акциядорларига дивидендларни тўла ва ўз вақтида тўланиши учун маъсулдир. Ижроия органнинг ҳаракатлари устидан назорат жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

29. Ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендларни тўлаш билан боғлиқ бўлган саволларни кўриб чиқади. Жамиятнинг ижроия органи айби билан дивидендларни тўла эмас ёки ўз вақтидан ўтказиб тўланса, кузатув кенгаши айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли санкцияларни қўяди ёки уларни қўйишни таъминлайди.

30. Жамият ўз вазифаларини бажармаган ҳолда, акциядорлар акцияларнинг ҳар тури бўйича тўланадиган дивидендларни суд орқали талаб қилиб олишга ҳақлидир.

31. Жамиятга унга юклатилган Солиқ агенти сифатида дивидендлардан солиқлар ҳисоблаб, солиқ суммасини ушлаб қолиш вазифаларини бажармаган ёки тегишли даражада бажарилмагани учун жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

## **V. МАЪЛУМОТНИ ОШКОРА ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

32. Мазкур низом ва унга киритиладиган қўшимча ва ўзгаришлар жамият томонидан интернет тармоғидаги ўзининг корпоратив веб-сайтида жамиятнинг бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган мажлиснинг баённомасини имзолаганидан сўнг ўн кун давомида ошкор қилинади.

33. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш қарори қабул қилинишида жамият қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатларда муҳим фактлар ҳақида маълумот шаклидаги ахборотни ошкор қилади. Бунда жамият акциядорларга электрон почта орқали уларга дивидендлар ҳисобланганлиги ҳақида хабар юборади.

34. Жамият ўзининг дивидендлар тўлаш ҳақидаги мажбуриятларини бажариши ҳақидаги фактларга тегишли маълумотни қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатларда муҳим фактлар ҳақида маълумот шаклидаги ошкор қилади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

35. Мазкур низом ва унга киритиладиган қўшимча ва ўзгаришлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

36. Ўзгариш ва қўшимчалар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, жамиятнинг ички аудит хизмати, жамият ижроия органининг раҳбари таклифига кўра киритилади.

37. ЕАгар мазкур низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият устави билан қарама-қарши муносабатларда бўлиб қолса, у ҳолда бундай бандлар ўз кучини йўқотади ва мазкур бандлар билан ҳал қилиниши керак бўлган саволларни ҳал қилишда мазкур низомга тегишли ўзгаришлар киритишдан аввал Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият устави меъёрларини қўллаш керак.